

Д.И.Менделеев номидаги РКТУ Тошкент филиали талабаси "Uzbekistan GTL" стипендияси соҳибаси бўлди

// 24 yanvar 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/d-i-mendeleev-nomidagi-rktu-toshkent-filiali-talabasi-uzbek-i>



23-январ куни "Uzbekistan GTL" стипендия дастури гўлибларини тақдирлаш маросими бўлди. Аҳамиятлиси, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технологиялари университети Тошкент филиали 3-босқич талабаси Дурдона Мухторхўжаева "Технологиялар" йўналиши бўйича "Uzbekistan GTL" стипендияси соҳибаси бўлди.



Университетнинг 3-босқич талабаси Зухра Маҳкамова, 4-босқич талабалари Алия Тагаева ва Муҳаммад Акромовларнинг танловдаги фаол иштироки алоҳида эътироф этилди. Уларга "Uzbekistan GTL" заводида амалиёт ўташ имконияти берилди.



"Ўзкимёсаноат" АЖ Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технологиялари университети Тошкент филиали талабаларини ушбу муваффақият билан табриклайди ва келгуси ишларига улкан зафарлар тилайди.



